

ЎЗБЕКISTON

ОВОЗИ

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA



2003-ЙИЛ 22-НОЯБР ШАНБА 136 (27.156) uzbovozi@sarkor.uz 1918-йил 21-йундан чиқа бoshлаган.


ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 21 ноябрь куни Оқсаройда Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти (ЕХТ) амалдаги раиснинг Марказий Осиё бўйича шахсий вакили Мартти Ахтисаарини қабул қилди.

— Сиздек таниқли давлат, сиёсат ва жамоат арбоби билан учрашув, нафақат Ўзбекистон — ЕХТ муносабатлари, балки унинг доирасидан чиқадиган кўплаб долзарб масалаларни муҳокама этиш учун қулай имкониятдир, — деди Ислам Каримов.

М.Ахтисаари Финляндия президенти сифатида ҳамда БМТ тизимида юқори лавозимларида фаолият кўрсатган. 2003 йил мартдан ЕХТ раиснинг минтақамиз бўйича шахсий вакили вазифасини бажармоқда.

Таъкидламоқ жоизки, Ўзбекистон 1992 йилнинг январда мазкур ташкилотга аъзо бўлган дастлабки вақтлар ЕХТ билан ҳамкорлик доираси бирмунча тор эди. 1995 йили Тошкентда очилган Марказий Осиё мамлакатлари билан алоқалар бўйича бюронинг фаолиятида эса ЕХТнинг уч мезонидан фақат биттасига — инсон ҳуқуқлари масаласига эътибор қаратиб келинди. Ўзбекистон эса ўзаро ҳамкорликда ҳарбий-сиёсий, иқтисодий ва инсоний мезонларнинг барчаси қамраб олиниши керак, деган нуктаи назардан оғинмади, бир неча бор



ташкilotнинг ўзи ва аъзо давлатлар эътиборини ЕХТ минтақаси ташқарисидан, хусусан, Афғонистондан чиқиши мумкин бўлган таҳдид ва хавф-хатарларга қарати. 1999 йилги Истанбул саммитида эса Ислам Каримов Халқаро ақсилтеррор маркази тузиш ташаббусини илгари сурди. ЕХТнинг Марказий Осиёдаги жараёнларга ёндашувиغا 11 сентябрь воқеалари катта ўзгаришлар киритди. Халқаро ҳамжамият, жумладан, ЕХТ олдида Ўзбекистоннинг оғохлантиришлари нечоғли жиддий ва асосли эканлиги аянчи тарзда аён бўлди. ЕХТ Ташқи ишлар вазирлиги кенгашининг 2001 йил Бухарест, 2002 йил Портога бўлган учрашувлари ва бошқа анжуманларда бу ҳақиқат эътироф этилди. Ҳозирги вақтда ЕХТ фаолиятида асосий диққат-эътибор чегаралар хавфсизлигини таъминлаш, ноқонуний қурол-ярроғ ва одам савдоси, террорчиликни молиялаштириш каби муаммоларга қаратилмоқда. Ташкилот, шунингдек, ҳуқуқ-тартибот соҳасига оид қонунларни замон талабларига мослаштириш каби масалаларда минтақа мамлакатлари билан ҳамкорлик қилиб келмоқда.

2003 йил ЕХТнинг Тошкентдаги ваколатхонаси томонидан ингил ва ўқотар қуроллар бўйича ҳамда Афғонистон боғхона хизмати ходимлари иштирокида Ҳайратон-Термиз назорат ўтиш пунктида чегара ва боғхона хизмати вакиллари учун ўқув семинарлари ва бошқа қатор тадбирлар ўтказилди.

2002 йилда ЕХТ иқтисодий мувофиқлаштирувчисининг идораси томонидан ташкилотнинг Марказий Осиёдаги иқтисодий ва экологик мезонларни мустаҳкамлашга оид дастури ишлаб чиқилди. Мазкур ҳужжат минтақадagi иқтисодий соҳага оид ЕХТ фаолиятининг асосий йўналишларини белгилаб берди. Ушбу ҳужжат доирасида Ўзбекистонда кичик ва ўрта тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, қишлоқ жойлардаги ишларнинг бизнес бўйича билим ва малакасини ошириш, шунингдек, «Маҳалла ва атроф-муҳит ҳимояси» лойиҳалари амалга оширилди.

Оқсаройдаги учрашувда Ўзбекистон — ЕХТ ҳамкорлигини янада ривожлантириш масалалари ҳамда томонларни қизиқтирган долзарб халқаро ва минтақавий муаммолар юзасидан фикр алмашилди.

(ЎЗА)

Суратда: қабул пайти. Дилшод ЮСУПОВ (ЎЗА) олган сурат.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори РАМАЗОН ҲАЙИТИНИ НИШОНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Рўза ҳайити» муносабати билан 1991 йил 11 апрелдаги 193-сон Фармони ижроси юзасидан Вазирлар Маҳкамаси ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. 2003 йилда Рамазон ҳайитининг биринчи куни 25 ноябрга тўғри келиши ҳақида Ўзбекистон мусулмонлари идораси муурожаатини эътиборга олиб, 2003 йил 25 ноябрь дам олиш

куни деб белгилансин ва мамлакатимизда байрам сифатида кенг нишонлансин.

2. Мутасадди идора ва жамоат ташкилотлари Рамазон ҳайити байрами жойларда муносиб тарзда ўтиши учун тегишли тадбирларни амалга оширсинлар.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И.КАРИМОВ Тошкент шаҳри, 2003 йил 18 ноябрь

ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTINING BOLGARIYA RESPUBLIKASIGA DAVLAT TASHRIFIGA DOIR

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Болгария Республикаси Президенти Георги Парванов тақлифига биноан 2003 йил 24-26 ноябрь кунлари давлат ташрифи билан Болгарияда бўлади.

Ташриф чоғида ўзаро муносабатларнинг бугунги аҳволи ва истиқболлари ҳамда томонларни қизиқтирган халқаро муаммолар муҳокама этилиши, қатор муҳим ҳужжатлар имзоланиши режалаштирилмоқда.

Ўзбекистон — Болгария:

«PALLADA VOSTOK» — ҚЎШҚАНОТЛИ ҲАМКОРЛАР ПАРВОЗИ

— Дунё сармоядорларининг юртимиз билан ҳамкорлиги тобора кенгайиб бораётганлиги сабаби нимада деб ўйлайсиз? — сўрадик Олмаликдаги «PALLADA VOSTOK» Ўзбекистон — Болгария қўшма корхонаси шампун ишлаб чиқариш цехининг участка бошлиғи Эмма Пакдан.

Мамлакатимизда чет эл сармоядорлари учун жуда кенг қулайликлар яратиб берилган. Бунинг устига улар бизнинг саноатли ҳамкор эканлигимизга ишониади. Ички ва ташқи сиёсатимиз барқарор, юртимиз тинч, раҳбарларимиз ишчан...

Сўбатдошимиз жавоби бизга Президентимизнинг хали 1992 йилдаёқ испаниялик бир нуфузли меҳмон билан учрашганда айтган сўзларини айнан эслатгандек бўлди: «Бизни Ўзбекистон билан ҳамкорликка жалб этадиган сабаблар учта. Биринчи сабаб — Ўзбекистон



лик тадбиркорлар Тошкент вилоятининг Олмалик шаҳри меҳнат аҳли билан самарали ҳамкорлик қилиб келмоқдалар. Бу ердаги «PALLADA VOSTOK» ўзбек-болгар қўшма корхонаси фаолияти бунинг ёрқин мисоли. Корхонада ишлаб чиқарилаётган турли хил кир ювиш воситалари, тиш пасталари, санитария (кўкун) порошоклари, ранго-ранг

инида корхонада маҳсулот ишлаб чиқариш режаси йил бошида кўзда тутилганига нисбатан 115 фоизга адо этилди. Рентабеллик 111 фоизни ташкил этди. Энг муҳими, ишчи-хизматчиларнинг ижтимоий таъминоти яхшиланиб, ойлик маошлари кўпайди.

— Сўнгги кезларда корхонамизда юз бераётган барча ўзгаришларни кўз олдимга келтирсам, — дея гапга қўшилди оператор Танзия Аниязова, — «қўшма корхона — бамисоли қўшқанотли ҳамкорларнинг қўш парвози» деган таърифни эсга олавераман.

Ҳа, «PALLADA VOSTOK» ўзбекистонлик ва болгариялик ҳамкорларининг қўш қанотли парвози...

Замон АЛИ

Суратларда: корхонанинг илғор ишчиси (чапдан) Матлуба Байданова, шампун ишлаб чиқариш цехининг участка бошлиғи Эмма Пак ва оператор Танзия Аниязова тайёрланган янги маҳсулот сифати ҳақида сўбатлашмоқдалар; тайёр маҳсулотлар.

Даврон АХМАД олган суратлар

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг 2003 йил 20 ноябрь куни Истанбул шаҳрида (Туркия) содир этилган террорчилик ҳаракати муносабати билан БАЁНОТИ

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги Ўзбекистон ҳукумати номидан кўплаб одамларнинг қурбон бўлишига олиб келган Истанбулдаги янги террорчилик ҳаракатларини қаттиқ қоралайди. Ўзбекистон халқи ҳам бутун маърифатпарвар инсоният қатори беғуноҳ одамларга қаратилган, ҳеч қандай ғоя ва мақсад билан оқлаб бўлмайдиган бу ваҳшиётна ва мудҳиш таъовуздан қаттиқ дарғазаб бўлди. Бу мислсиз жиноятлар бача мусулмонлар учун муқаддас саналган қутлуг Рамазон ойида содир этилгани янада дахшатлидир.

Истанбулдаги фожиа бутун жаҳон ҳамжамиятининг халқаро террорчилик ва экстремизмга қарши курашдаги сазй-ҳаракатларини бирлаштириш ва мустаҳкамлаш, бу иллатларнинг ҳар қандай кўринишига қарши мurosасиз курашиш зарурлигини яна бир бор тасдиқлайди.

Ўзбекистон ҳукумати ва халқи террорчилик ҳаракати оқибатида ҳалок бўлганлар ва жабр чекканларнинг оила аъзолари ҳамда яқинларига қучур ва самимий ҳамдардик изҳор этади.

Тошкент шаҳри, 2003 йил 21 ноябрь

НАРКОБИЗНЕСГА ҚАРШИ КУРАШДА КОМПЬЮТЕРЛАР ЁРДАМ БЕРАДИ

Тошкент (ЎЗА мухбири А.Иванова). БМТ Наркотиклар ва жиноятчилик бўйича бошқармасининг Марказий Осиёдаги минтақавий ваколатхонасида республикамизнинг наркотикларга қарши курашуви хизматларига умумий қиймати 170 минг АҚШ доллари бўлган компьютерлар ва улар учун дастурларни топиширишга бағишланган учрашув бўлиб ўтди. Тадбир БМТ Наркотиклар ва жиноятчилик бўйича бошқармасининг мақсадли минтақавий лойиҳаси доирасида амалга оширилди.

БМТ Наркотиклар ва жиноятчилик бўйича бошқармаси лойиҳани минтақамиз махсус хизматлари ҳамкорлиги механизми яратишда яна бир муҳим қадам сифатида баҳоламоқда. Шу ўринда Марказий Осиё минтақавий ахборот-мувофиқлаштириш марказини ташкил этиш ташаббуси қўллаб-қувватланмоқда.

Учрашувда БМТ Наркотиклар ва жиноятчилик бўйича бошқармасининг Марказий Осиёдаги минтақавий вакили Жеймс Каллахан қатнашди.

ЕХТ ВАКИЛЛАРИ ЎЗБЕКISTONДА

ТОШКЕНТ (ЎЗА мухбири Ф.Арзиев). Мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти (ЕХТ) амалдаги раиснинг Марказий Осиё бўйича шахсий вакили Мартти Ахтисаари раҳбарлигидаги делегация Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида бўлди.

Парламент раиси Эркин Халилов билан музокарада Ўзбекистон билан ЕХТ ўртасида давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларини ривожлантиришга қаратилган ҳамкорлик истиқболла-

рига оид масалалар муҳокама этилди. Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазирлиги С.Сафоев билан учрашувда икки томонлама ҳамкорлигининг бугунги аҳволи ва истиқболли, минтақадagi вазият, хусусан, Афғонистонда тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлашга оид бошқа масалалар юзасидан фикр алмашилди.

ЕХТ вакиллари, шунингдек, Тошкент давлат юридик институти ҳузуридаги Юридик клиника фаолияти билан танишди.

ЧИНИҚИШ, ТОБЛАНИШ ВА ТАРБИЯ МАСКАНИ

ПОЙТАХТИМИЗНИНГ ЮНУСОБОД ТУМАНИДАГИ «ЎЗБЕКISTON МУСТАҚИЛЛИГИ» МАҲАЛЛАСИДА «ЎЗБЕКISTON ОВОЗИ» ГАЗЕТАСИ ҲОМИЙЛИГИДА БАРПО ЭТИЛГАН БОЛАЛАР ВА ЎСМИРЛАР СПОРТ-СОҒЛОМЛАШТИРИШ КОМПЛЕКСИ ФОЙДАЛАНИШГА ТОПШИРИЛДИ



Мамлакатимиз мустақилликка эришгандан буён ўтган 12 йил давомида ҳаётимизнинг барча жабҳасида мисли келтириш мумкин. Аммо, назаримизда, фарзандларимизнинг жисмоний ва маънавий тарбияси, баркамол авлод тарбияси, миллат саломатлигига энг муҳим вазифалардан бири сифатида эътибор бериб келинмоқда. Президентимиз фармонлари, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари асосида юзлаб спорт иншоотлари барпо этилди, оммавий спорт мусобақалари йўлга қўйилди. «Соғлом авлод учун», «Маҳалла» жамғармалари, Болалар жамғармаси, футболни, теннисни, курашни ривожлантириш бўйича қабул қилинган қарорлар, «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод» ва «Универсиада» — уч босқичли улуксиз спорт ўйинлари, ҳамма-хаммаси соғлом авлод ораси йўлида хизмат қилмоқда.

4-6em



HALQ BANKI — СИЗНИНГ ОИЛАНГИЗ БАНКИ

TOSHKENT XALQARO AEROPORTI

BIZNES BANK ENG YAKSHI AN'ANALARDA



ЧИНИҚИШ, ТОБЛАНИШ ВА ТАРБИЯ МАСКАНИ

Бир йил муқаддам Президентимиз Фармони билан Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси тузилган эди. Ушбу жамғарма ҳимойлик кенгаши мажлисида жамғарманинг асосий мақсади, халқимиз ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш, ёш наслимизни турли салбий таъсирлардан асраш, болалар спортини кенг ривожлантириш, умумхалқ ҳаракатига айлантириш эканлиги алоҳида таъкидланди.

Болалар спортини оммавий ҳаракатга, умумхалқ ҳаракатига айлантириш ниятларига боғлиқ? Биринчи навбатда тарғибот-таш-

виқот ишларига боғлиқ, албатта. Спортнинг фарзандларимиз тарбиясида, айтиш мумкинки, тақдирда, ҳар биримиз ҳаётимизда, миллатимиз ва мамлакатимиз обрў-этиборини оширишда тугган ўрни ва аҳамиятини, биринчи навбатда ота-оналар ва катта-кичик раҳбарлар чукур тушунган тақдирда спорт оммавий ҳаракатга айланади. Республикаимиз Вазирилар Маҳкамасининг «Оммавий спорт тарғиботини янада кучайтириш чоратадбирлари тўғрисида»ги қарориди бу ҳақда аниқ-равшан таъкидланди.

Оммавий ахборот воситалари-



нинг асосий вазифаси ушбу қарор аҳамияти ва ҳоҳиятини халққа тушунтириш, спортчиларимизнинг халқро майдонлардаги ютуқларини таъсирчан қилиб ёритиш орқали болаларда спортга ҳавас уйғотишдан иборатлиги ҳаммамизга маълум.

Аммо Болалар спорт жамғармаси тузилган, биз таъхиритимизда бу соҳада қилдиган ишларимизни муҳокама қилаётимиз, ўзимизга ўзимиз савол бердик: Таъхиритимиз ҳимойлигида бирор жойда болалар спорт комплексини қуриб берсак қандай бўларкин? Уйлаб кўрсак, қўлимиздан келади, фақат ташвишдан оғринмай, бироз елиб-югуриш керак бўлади. Тақлиф таъхиритимизда маълумланди.

Шу орада таъхиритимизга газетамиз муҳлиси Юнусобод туманидаги «Ўзбекистон мустақиллиги» маҳалласи оқсоқоли Эркин ака Худойбердиев келиб қолди. Сўхбат орасида унга фикримизни айтдик. Оқсоқол бизга ўз маҳалласидаги кўпқаватли уйлар орасида 20 йилдан буюн ярим гектарча келадиган майдон ташландик ҳолда ётганини айтиб қолди.

Юнусобод туман ҳокими га хат ёзиб, мақсадни билдирдик. Ҳоким тақлифимизни қўллаб-қувватлади. Туман ҳокимлиги, маҳалла, ширкат, таъхирит ходимлари уюштирган ҳашарлар, яқин атрофдаги мактаб ўқувчиларининг ёрдами туфайли ишларимиз юришиб кетди. Тўрт ойда ташландик, ўнқир-чўнқир жойда атрофи темир панжера билан ўралган спорт комплекси барпо этилди. Усти ёпиқ стол теннис майдончаси, чим билан қопланган футбол майдон-

ҲАҚ-ҲУҚУҚИНГИЗНИ БИЛАСИЗМИ ?!

Саволларга ҳуқуқшунос, 2-даражали адлия маслаҳатчиси Эргаш САЙИТОВ жавоб беради.

Савол: Рухсатсиз уй-жой қурган фуқароларга нисбатан қандай ҳуқуқий муносабатлар қўзда тутилган? Д.Маҳкамов, Жиззах вилояти.

Жавоб: Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 212-моддасига асосан, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қурилиш мақсадлари учун ажратилмаган ер участкаларида, шунингдек, иморат қуриш учун зарур рухсатнома олмадан ёки архитектура ва қурилиш нормалари ҳамда қоидаларини жиддий бузган ҳолда қурилган уй-жой, бошқа бино, иншоот ёки ўзга қўчмас мулк ўзбошимчалик билан қурилган иморат ҳисобланади.

Ўзбошимчалик билан иморат қурган шахс унга мулк ҳуқуқини ололмайдди. Бу шахс қурган иморатини тасарруф этишга-сотишга, ҳада этишга, ижарага беришга ҳамда иморатга нисбатан бошқа битимлар тузишга ҳақли эмас.

Ўзбошимчалик билан иморат қуриш натижасида ҳуқуқлари бузилган шахснинг ёки тегишли давлат органининг даввоси билан бундай иморат суднинг қарорига биноан иморатни қурган шахс томонидан ёки унинг ҳисобидан бузиб ташланиши лозим, ушбу модданинг тўртинчи ва бешинчи қисмларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Шахс ўзига қарашли бўлмаган ер участкасида ўзбошимчалик билан иморат қурган бўлса, унинг бу иморатга нисбатан бўлган мулк ҳуқуқи суд томонидан қонун ҳужжатларида мувофиқ эътироф этилиши мумкин. Иморат қурилган ер участкасининг мулкдори бўлган, унга умрбод мерос сифатида эгалик қилаётган, доимий эгалик қилаётган ва фойдаланаётган шахснинг ҳам ўзбошимчалик билан қурилган иморатга нисбатан мулк ҳуқуқи суд томонидан эътироф этилиши мумкин. Бу ҳолда иморатга нисбатан мулк ҳуқуқи эътироф этилган шахс иморат қурган шахснинг харажатларини суд белгиланган тартибда ва миқдорда қоплайди.

Башарти, ўзбошимчалик билан қурилган иморатнинг сақлаб қолиниши бошқа шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатлари бузилишига сабаб бўлса, ёхуд фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғига ҳавф туғдирса, юқорида кўрсатилган шахсларнинг ўзбошималик билан қурилган иморатга нисбатан мулк ҳуқуқи эътироф этилиши мумкин эмас.

Савол: Кредиторга мажбурият бўйича ҳуқуқлар белгиланган. Ана шу ҳуқуқлар қандай ҳолларда бошқа шахсга ўтказилади? Ж.Собиров, Андижон вилояти.

Жавоб: Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 318-моддасига мувофиқ, кредиторнинг мажбурият бўйича ҳуқуқлари бошқа шахсга қуйидаги ҳолларда ўтади:

- 1) кредитор ҳуқуқларидаги универсал ҳуқуқий ворислик натижасида;
- 2) кредитор ҳуқуқларини бошқа шахсга ўтказиш тўғрисидаги суднинг қарорига мувофиқ;
- 3) қарздорнинг мажбурияти ушбу мажбурият бўйича қарздор бўлмаган кафил ёки гаровга қўйвчи томонидан бажарилиши оқибатида;
- 4) сугурта ҳолати бошланиши учун жавобгар бўлган қарздорга нисбатан кредитор ҳуқуқларининг сугурта қилувчига ўтиши натижасида;
- 5) қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда.



Шавкат АКРАМОВ олган суратлар

Футбол

ИККИНЧИ ЙЎЛЛАНМА

Таиланд терма жамоасига насиб этди

Осиё чемпионати саралаш баҳсларида қатнашаётган Ўзбекистон миллий терма жамоаси мuddатдан илгари мусобақанинг финал босқичига йўлланма олганлигини аввал хабар қилгандик. Кеча футболчиларимиз саралаш босқичининг сўнгги тур учрашувини ўтказишди.



Унда ҳамюртларимиз Таиланд терма жамоасига қарши майдонга чиқдилар. Агар бу учрашувда таиландликлар галаба

қозонишса, келгуси йили Хитойда ўтайдиган Осиё кубоги баҳсларига гуруҳдан бериладиган иккинчи йўлланmani қўлга киритишарди. Шу боисдан улар барча эътиборни ҳужумкорликка қаратишди ва йирик ҳисобда галаба қозондилар — 4:1.

Бу ўйин натижаси биз учун аҳамиятсиз бўлгани сабабли мураббийларимиз асосан ёш футболчиларни майдонга туширдик.

Тошкентда ўтган биринчи давра саралаш учрашувларида бирорта ҳам мағлубиятга учрамаган Тожикистон терма жамоасининг эса Бангкокда омади чопмади. Улар дастлаб ҳамюртларимизга (1:4), сўнгра мезбонларга (0:1) ютқазиб қўйдилар. Шу туфайли қўшилариимизнинг сўнгги турда Сянган терма жамоаси устидан қозongan (1:0) галабаси уларнинг китъа чемпионати финал босқичига чиқишига ёрдам бера олмади.

Эркин ХОЛБОЕВ

Саралаш босқичининг якуний ҳафтали	У	Ю	Д	М	Т-Н	О
1. Ўзбекистон	6	4	1	1	13-6	13
2. Таиланд	6	3	0	3	10-7	9
3. Тожикистон	6	2	2	2	3-5	8
4. Сянган	6	1	1	4	3-11	4

Интер-спорт

РОССИЯ ЯРИМ ФИНАЛНИ КЎЗЛАМОҚДА

Келаси йили Португалияда ўтказиладиган Европа футбол чемпионати саралаш учрашувлари якунланиб, финалчилар аниқланди. Россия терма жамоаси бош мураббийи Георгий Ярцевнинг шогирдлари финал босқичига чиқди. Россия футболчилари сафарда Уэльс терма жамоаси билан жавоб учрашувда дарвозага ягона тўп киритиш билан муваффақият қозонди. Россия футбол уюшмаси раҳбари Вячеслав Колосков эса бу воқеага ўз муносабатини билдирди: «Табииатимизда ўзига хослик бордек. Мағлубиятга учрашни жоғирига айлантириб, қутилмаган галабани тарихий деб баҳолашга ўрганиб қолганмиз. Воқеликка оддий қараш жоиз. Уйлашманки, терма жамоамиз чемпионлик учун курашда чорак финалга чиқиб, ярим финалга чоғланади».

Унинг фикрича, жамоани моддий жиҳатдан рағбатлантириш учун 4,5 миллион доллар жамғарилиши қўзда тутилиётган экан.

ҚУРЪА ТАШЛАШ ОЛДИДАН

УЕФА Европа футбол чемпионати финалчилари ўртасида қуръа ташлаш олдидан жамоаларни гуруҳларга ажратди. Россия терма жамоаси «С» гуруҳида Нидерландия, Хорватия ва Дания жамоаларига қўшилди. Демак, Россия футболчилари бу жамоалар билан ўзаро куч синашмайди. «А» гуруҳига Франция, Португалия, Чехия, Швеция жамоалари бириккан бўлса, «Б» гуруҳи Италия, Испания, Англия ва Германия жамоаларидан таркиб топди. Тўртинчи «Д» гуруҳи эса Болгария, Швейцария, Греция, Латвия жамоаларидан иборат бўлди. Қуръа ташлаш маросими эса 30 ноябрь куни Лиссабонда ўтказилади.



Кимошди савдолари агентлиги ва республика Кўчмас мулк биржасининг Тошкент шаҳар филиали

Ҳафтанинг ҳар душанба, чоршанба, жума кунлари биржа савдоларини ўтказилади. Савдоларга қуйидагилар қўйилади:

- Сирғали тумани, «Спутник» даҳаси, 6-мавзе, 9-уйда жойлашган «KOMMUNAL QURILISH» давлат унитар корхонаси (мол-мулклари билан). **Бошланғич нархи — 1 308 900 сўм.** Мирзо Улугбек тумани коммунал фойдаланиш бошқармасига қарашли Мирзо Улугбек тумани, Доғистон кўчаси, 56-уй манзилгоҳида жойлашган «Қурилиш таъмирлаш корхонаси» (мол-мулклари билан). **Бошланғич нархи — 2 159 900 сўм.** Шайхонтоҳур тумани коммунал фойдаланиш бошқармасига қарашли Шайхонтоҳур тумани, Беруний кўчаси, 617-уйда жойлашган «Таъмирлаш-қурилиш бўлими» шўъба корхонаси. **Бошланғич нархи — 13 482 000 сўм.** 1-Тошкент давлат медицина институтига қарашли, Тошкент шаҳри, Собир Раҳимов тумани, Хўжаев кўчаси, 42-уйда жойлашган, фойдали майдони 5333,0 кв. метр бўлган, 4 қаватли, собиқ 7-сонли ётоқхона биноси. **Бошланғич нархи — 125 334 300 сўм.** Ўзбекистон Республикаси Вазирилар Маҳкамаси ҳузурдаги наркотик моддаларни назорат қилиш миллий маркази ҳисобида бўлган ULV3L31BDVA015279 рақамли «Нексиан» русумли автомобил кузови. **Бошланғич нархи — 990 286 сўм.** Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳудудий коммунал фойдаланиш бирлашмасининг Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Халқлар Дўстлиги кўчаси, 1А-уйда жойлашган ҳўжалик ҳисобидаги «Ўқув-методик маркази» мулки (биносиз) ва айланма активлари. **Бошланғич нархи — 671 800 сўм.** «SUVQURILISH» ишлаб чиқариш қурилиш-монтаж бирлашмасининг Тошкент шаҳри, Бектемир тумани, Ҳ.Бойқар кўчаси, 9-уйда жойлашган кичик механизация бошқармаси мол-мулки (биносиз). **Бошланғич нархи — 915 000 сўм.** Миржазот учун манзил: Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани, А.Қодирий кўчаси, 13-уй. Телефонлар: 144-44-73, 144-71-78, 144-92-30.
- Бошланғич нархи — 564 000 сўм. Сирғали тумани, «Спутник» даҳаси, 6-мавзе, 8-уй манзилда жойлашган, умумий майдони 441,83 кв.м. бўлган собиқ 6-сонли тиш даволаш поликлиникаси. **Бошланғич нархи — 5 590 800 сўм.** «PENT-UZ» масъулияти чекланган жамият шаклидаги С.Раҳимов тумани, Сағбон кўчаси, 30-берк кўча 79А-уй манзилида жойлашган, Ўзбекистон-Америка қўшма корхонаси Низом жамғармасининг 43,5 фойзлик давлат улуши. **Бошланғич нархи — 1 319 330 524 сўм.** Шайхонтоҳур тумани, А.Қодирий кўчаси, Ц-15 даҳаси, 10А-уй манзилгоҳида жойлашган «NASTARIN» масъулияти чекланган жамиятининг 35 фойзлик улуши. **Бошланғич нархи — 3 650 850 сўм.** Ҳамза тумани, Лисунов кўчаси, 4-даҳа, 22-уй манзилгоҳида жойлашган «Хосият 152» масъулияти чекланган жамиятининг Низом жамғармасидаги 35 фойзлик давлат улуши. **Бошланғич нархи — 4 678 200 сўм.** Ўзбекистон Республикаси Вазирилар Маҳкамаси Илмий-техник тараққиёти мувофиқлаштириш кенгаши ҳузурдаги Фан ва технологиялар марказининг Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Х.Сулаймонова кўчаси, 29-уй манзилгоҳида жойлашган шўъба корхонаси шаклидаги «NITEX» замонавий ахборот технологиялари агентлиги. **Бошланғич нархи — 947 000 сўм.** Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, К.Ёрматов кўчаси, 2-уй манзилгоҳида жойлашган «АЗИМУТ-РУМБ» давлат кичик корхонаси. **Бошланғич нархи — 9 967 900,0 сўм.** Тошкент шаҳар, Собир Раҳимов тумани, Университетская кўчаси, 2-уй манзилида жойлашган «POLITEX-SPORT» шўъба корхонаси. **Бошланғич нархи — 115 000 сўм.**

BOSH MUHARRIR:

Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:

- Abdulla ORIPOV
- Abdulhafiz JALOLOV
- Azimjon AYUPOV
- Aziz NOSIROV
- Ashur QODIROV
- Bobir ALIMOV
- Habib SA'DULLA
- Norbobo SHAKAROV
- (Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)
- Alimqul SULTONOV
- (Bosh muharrir o'rinbosari)
- Andrey ORLOV
- (Bosh muharrir o'rinbosari «Golos Uzbekistana»)
- Nahom SA'DULLAYEV
- Rahima HAKIMOVA
- To'lepbergen QAIPBERGENOV
- Abdug'ani MAMASODIQOV
- (Mas'ul kotib)

MUASSIS:

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO' LIMLAR:

- Siyosat, partiya va xalqaro hayot 133-44-55
- Ma'naviyat va ma'rifat 133-69-45
- Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 133-20-36
- Parlament va huquq 136-57-20
- Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik 133-21-43
- Xatlar va ommaviy ishlar 133-12-56 (Tel. Faks) Kotibiyat 133-72-83
- Reklama va e'lonlar 133-38-55, 133-47-80, 133-06-83 (Tel. Faks)

VILOYAT MUXBIRLARI:

- Andijonda — 25-16-16
- Buxoroda — 222-10-92
- Gulistonda — 25-03-80
- Jizzaxda — 5-49-85
- Navoiyda — 3-39-20
- Namanganda — 6-43-43
- Nukusda — 222-70-12
- Samarqandda — 35-20-54
- Urganchda — 226-51-35
- Farg'onada — 26-43-62
- Termizda — 3-79-98

MANZILIMIZ:

700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32-UY.

Navbatchesi: Alisher RO'ZIEV

Gazeta «O'zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

Sahifalovchi-dasturchilar: Ikromjon ISMOILOV, Elyor UBAYDULLAYEV

«Shara» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshmaxonasida chop etildi.

Korxonamanzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta O'zbekiston Respublikasi Davlat Matbuot O'qimtasida 00004-raqam bilan ro'yxatga olingan.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib boshish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

G — 0060

7621 nusxada bosildi

t — Tijorat materiallari

Topshirish vaqti — 21.00.

1 2 3 4 5

SOTUVDA ERKIN NARXDA

Хурматли ишбилармон ва тадбиркорлар!

Тошкент шаҳар муниципал биржа маркази 2003 йил 20 августдаги биржа савдолари натижасига кўра, «NCI PROJECTS, INC» (АҚШ) шўъба корхонасига сотилган, Тошкент шаҳар ҳокимлиги Бинолардан фойдаланиш департаменти балансидаги Тошкент шаҳри, М.Улугбек тумани, Пушкин кўчаси, 1-уй манзилида жойлашган, умумий майдони 1896,0 кв.м. бўлган 3-қаватли маъмурий бино бўйича 2003 йил 21 августда тузилган 547-сон олли-сотди шартномаси бекор қилинганлиги ва ушбу объект қайтадан биржа сав-

доларига қўйилишини маълум қилади. Бошланғич баҳоси — 400 000 000 сўм. Биржа манзили: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Мовароуннахр кўчаси, 16а-уй, 402-хона. Лицензия № 000005.

Телефон: 133-25-51, факс: 133-20-74. Сайт: WWW.tshbmb.uz; Э.п.почта: Birja@mail.tps.uz va info@tshbmb.uz

Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети ректорати, касаба уюшма қўмитаси ҳамда ҳуқуқшунослик факультети жамоаси ушбу факультет «Жинойт процесси» кафедраси профессори Турсун Тожиевич ТОЖИЕВнинг вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этдилар.